Ушбу сонда:
2 ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
4 «БОЙСУН БАҲОРИ»ГА ТАРАДДУД

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 23 апрел, чоршанба № 64 (1489)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН-РУМИНИЯ:
ҲАМФИКРЛИК ВА ХАЙРИХОҲЛИК - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Руминия Президенти Ион Илиеску расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди

22 апрел куни «Дўрмон» қароргоҳида расмий кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Руминия раҳбари билан яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи, халқаро муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикрлашар экан, Ўзбекистон ва Руминиянинг қарашлари ва муносабатлари яқин эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбарияти Руминияда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни катта қизиқиш билан кузатиб боради. Руминиянинг Европа ҳамжамияти ва Евро-Атлантика тузилмасига интеграциялашиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди ва унинг бу борадаги ютуқлари икки томонлама ҳамкорлик ривожи учун янги имкониятлар очишига қатъий ишонч билан қарайди.

Ўз навбатида, Руминия Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсат майдонидаги фаол ҳаракатларини ва халқаро аксилтеррор коалициясига кўрсатаётган ёрдамини юксак қадрлайди.

Икки мамлакат раҳбарияти ҳам БМТ, ЕХҲТ, НАТО каби халқаро ташкилотлар доирасида халқаро террорчилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш лозим, деган фикрни ёқлайди.

Ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган Ироқ масаласида ҳам томонларнинг қарашлари бир хил. Ўзбекистон ва Руминия раҳбарлари ушбу мамлакатдаги можаро тезроқ ҳал этилишининг тарафдори эканликларини таъкидлар экан, АҚШ раҳбарлигидаги халқаро коалициянинг Ироқни қуролсизлантириш йўлидаги сиёсатини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Президентлар ўзаро муносабатларни муҳокама қилиб, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолатидан қониқиб бўлмаслигини таъкидлади. Турли объектив ва субъектив сабабларга кўра, айни пайтда ўзаро савдо, сармоя оқимининг ҳажми нисбатан паст даражага тушиб қолган. Шу муносабат билан, Президент Ислом Каримов Руминия раҳбарининг ташрифини ўзаро сиёсий, ижтимоий, маданий ва иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтиришга интилиш белгиси сифатида баҳолар экан, мамлакатларимизда ҳамкорликнинг ишга солинмаган имкониятлари захираси катта эканлигини қайд этди.

Ўзбекистон ва Руминия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ҳам иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Руминияга кимё, нефт кимёси, тўқимачилик саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари, минерал ўғитлар экспорт қилиши, у ердан эса мебелсозликнинг, мармар ва гранитга ишлов бериш саноатининг сифатли, синалган ва айни вақтда нисбатан арзон технологиялари, чарм маҳсулотлар, пойабзал келтириши мумкинлигини айтди. Булар қаторида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби тармоқлар бўйича қўшма корхоналар тузиш, сармоявий лойиҳаларда биргаликда қатнашиш, сайёҳлик соҳасидаги ва банклараро ҳамкорликни ривожлантириш таклифлари илгари сурилди. Масалан, Ўзбекистон ва Руминия банклари ўртасида вакиллик муносабатлари ўрнатилган, лекин амалда жуда кам операция бажарилади.

Ислом Каримов транспорт коммуникацияси масалаларига доим алоҳида эътибор билан қараб келади. Зеро, бу соҳа савдо-иқтисодий алоқаларга кучли таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Руминия мисолида Констанца бандаргоҳи бунга яққол мисол бўла олади. Ўзбекистон товарларини Европа мамлакатларига етказиш ва у ердан маҳсулот келтиришнинг энг яқин йўли шу ердан ўтади. Лекин, очиқ айтганда, тарифлар мувофиқлаштирилмагани боис ундан фойдаланишда яқин ҳамкорлик қилиняпти, деб бўлмайди. Ислом Каримовнинг айтишича, Констанцада 1 тонна пахтани юклаш, тушириш, сақлаш ва ташиш хизмати 117 АҚШ долларига тенг. Украинанинг Ильичёвск бандаргоҳида эса айни шундай хизмат учун 72 доллар тўланади. Шу муносабат билан Президентлар Ўзбекистон-Руминия ҳукуматлараро иқтисодий кенгаши ҳамда савдо, молия, транспорт соҳаси муассасаларига бу масалани имкон қадар тез ҳал қилиш топшириғини берди.

Иқтисодий мавзуда сўз кетганда, Ўзбекистон ва Руминияни яна бир муҳим жиҳат бир-бирига яқинлаштиришини таъкидлаб ўтиш жоиз. Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг аввалги мажлиси Бухарестда ўтган эди. Бу йил анжуманга Тошкент мезбонлик қилади. Ўзбекистон делегацияси Бухарест анжуманида фаол қатнашган, Руминия ҳукумати эса галдаги мажлис Тошкентда ўтказилишини ёқлаган эди. Икки мамлакат бундай тадбирга ҳозирлик кўриш борасида биргаликда тажриба орттирди. Руминия томони ЕТТБнинг бу йилги мажлисига ҳукумат ва ишбилармон доиралар вакилларидан нуфузли делегация жўнатишини маълум қилди.

Ион Илиеску Ўзбекистон Президентининг таклифларини тўла қўллаб-қувватлашини айтар экан, икки мамлакат қарийб бир вақтда бир хил ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга тўқнаш келгани, деярли бир хил жараёнларни бошдан кечирганини таъкидлади. Демак, бир-бирининг тажрибасини ўрганиш баробарида, ўзаро ҳамкорлик орқали тараққиётга кўмаклашиш ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан, Руминия раҳбарининг фикрича, Ўзбекистон Жанубий Европанинг марказий давлати бўлмиш Руминияда элчихона очса, бу алоқалар кенгайиши учун янги имкониятлар яратар эди. Бевосита иқтисодий ҳамкорликка келганда, ишлаб чиқариш кооперацияси ҳозирги куннинг долзарб талабларидан бири эканлигини таъкидлаш жоиз. Биргаликда маҳсулот ишлаб чиқариб, фақат миллий эҳтиёжни қондириш билан чекланмай, бошқа мамлакатларга сотиш икки томон учун ҳам фойдали бўлур эди.

Руминия Президенти ҳукуматлараро кенгашнинг галдаги мажлисини Бухарестда ўтказиш таклифини айтди. Унда давлатларимиз раҳбарлари мулоқотида қайд этилган ҳар бир масала мутахассислар томонидан бафуржа кўриб чиқилади ва ўз ечимини топади.

Шунингдек, илм-фан ва таълим соҳалари вакилларининг алоқаларини жонлантириш, жумладан, олий ўқув юртларининг илмий ҳамкорлигини ривожлантириш, муайян соҳа олимларининг қўшма академик ва технологик тадқиқотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ион Илиеску Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ва Руминия халқлари бой тарихий, маданий ва маънавий меросга эга эканлиги, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги фикрларини маъқуллар экан, айниқса, маданий сайёҳликка эътибор кучайтириш фойдали бўлишини таъкидлади.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Ион Илиеску Ўзбекистон ва Руминия Президентларининг Қўшма баёнотига имзо чекди. Ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик ҳамда Дипломатик ва хизмат паспортлари бўлган фуқароларнинг визасиз қатнови тўғрисидаги битимларни имзолади.

Шундан кейин ўтган матбуот анжуманида ҳозиргача икки томонлама муносабатлар 12 ҳужжат билан мувофиқлаштириб келингани, яна кўплаб ҳужжатлар тайёрланиш жараёнида ёки маъқулланиш арафасида эканлиги таъкидланди.

Ислом Каримов Руминияни Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ муддатли ҳамкори, деб билишини қайд этди.

Ион Илиеску мулоқотлар сермазмун ўтгани ва фойдали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Ислом Каримовни Руминияга таклиф этди.

«Дўрмон»даги тадбирлардан кейин Руминия раҳбари Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Олий мажлисга ташриф буюрди. Ўзбекистон олий қонун чиқарувчи органи Раиси Эркин Халилов билан суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Руминиялик олий мартабали меҳмон пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонида эрк ва тинчлик йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириб, «Мотамсаро она» ёдгорлиги пойига гул қўйди. Темурийлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий ашёлар, нодир экспонатларни кўздан кечириб, Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

Шу билан Руминия Президенти ташрифининг расмий қисми ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ИШБИЛАРМОНЛАР АНЖУМАНИ

Юртимизга расмий ташриф билан келган Руминия Президенти Ион Илиескуга ушбу мамлакат ишбилармон доираларининг бир гурух вакиллари ҳамроҳлик қилмоқда.

22 апрел куни пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди. Унда Руминиянинг нефт-газ, енгил саноат, озиқ-овқат, мебелсозлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган йирик компания ва фирмалари раҳбарлари иштирок этди.

Руминия Президенти Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида анжуманга ташриф буюрди.

Ион Илиеску Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан ўтказган музокаралари ва икки ўртада имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янги босқичга кўтаришга қаратилганлигини таъкидлади. Ўзбекистон ҳам, Руминия ҳам ҳамкорликни кенгайтиришда юқори салоҳиятга эга мамлакат. Шунга қарамай, икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо ҳажми имкониятлар даражасида эмас.

Ўзбекистон билан Руминия, хусусан, машинасозлик, нефт-газ, енгил саноат, озиқ-овқат, мебелсозлик каби иқтисодиётнинг етакчи йўналишларида ҳамкорликни янада кенгайтириши мумкин. Мамлакатимизда Руминиянинг мебеллари машҳур. Бинобарин, бугунги кунда ушбу соҳада ҳамкорликни кенгайтириш икки томонга ҳам яхши фойда келтиради.

Анжуманда руминиялик ишбилармонларга Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган шароит, савдо ва сармоя киритиш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашни рағбатлантирадиган банк соҳасидаги молиявий механизмлар, Ўзбекистонда суғурта хизматларининг ривожланишига оид ахборотлар берилди.

Тадбир доирасида ишбилармонларнинг ўзаро учрашувлари ҳам уюштирилиб, шерикликда қўшма корхоналар ташкил қилиш, савдо алоқаларини кенгайтириш, ахборот алмашувини янада кенгроқ йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.

МУСОБАҚАГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Хоразм вилоятида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари - 2003» республика ўйинлари финал мусобақаларининг бошланишига бир ойдан оз вақт қолди. Ушбу мусобақаларга тайёргарлик кўриш юзасидан фаолият кўрсатаётган спорт мажмуаларини янгилаш ва янгиларини қуришга кучли туртки бўлди. Урганчдаги 17 та спорт майдонида ва вилоятнинг бешта туманида спортнинг 12 тури бўйича Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан уч минг нафар ёш спортчи ўзаро баҳслашади.

Вилоятда «Умид ниҳоллари - 2003» ўйинларининг финал беллашувлари спорт ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтиши учун деярли ҳамма нарса тайёр. Турнирга яқинда барпо этилган олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежини, вилоят марказидаги «Хоразм» спорт мажмуаси, Хива, Хонқа ва Боғот туманидаги стадионлар ҳамда бошқа объектларни тайёрлаш ўз ниҳоясига етмоқда. Шунингдек, мусобақа иштирокчиларининг ҳордиқ чиқариши, уларга маданий хизмат кўрсатишга ҳам катта эътибор қаратилган.

Бироқ мусобақаларгача тезкорлик билан ҳал этишни талаб этадиган қатор масалалар ҳам бор. Республика ташкилий қўмитасининг мажлисида бу ҳақда батафсил ва жиддий сўз борди. Қатор республика идоралари, вилоятлардаги тегишли бошқармалар, муассасалар, корхоналар раҳбарларига «Умид ниҳоллари - 2003» ўйинларини юқори ташкилий савияда ўтказиш учун керакли барча чора-тадбирларни қабул қилиш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов иштирок этди.

(ЎзА).

НОГИРОН БОЛАЛАР УЧУН

АҚШнинг "Нью хоп" хайрия жамғармаси ёрдамида Гулистонда ногирон болалар учун компьютер маркази очилди.

Марказнинг очилиш маросимида "Нью хоп"нинг Ўзбекистондаги филиали директори Чан Янг Ок сўзга чиқиб, синф 15 та энг янги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланганлигини маълум қилди.

Пойтахтлик мутахассислар болаларга компьютердан сабоқлар беришади. Ўқув уч ойга мўлжалланган, курслар тугагач имтиҳон топширилиб тегишли ҳужжатлар берилади. Марказнинг очилишига Гулистон шаҳар "Маънавият ва маърифат" маркази катта ёрдам кўрсатди.

"Туркистон-пресс".

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 24 апрел куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 23 апрел куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 24 апрел куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисда 23 апрел куни соат 13.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

Тошкент вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси вилоят Пахтасаноат, Машина-трактор парклари бирлашмалари, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Мевасабзавот бошқармалари ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан 182 банддан иборат битимлар тузганди. Мазкур ҳужжат меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаб, уларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишга хизмат қилмоқда.

Таҳлил

ИНСОН БОРКИ

бахтли яшасам дейди

Битимлардаги барча бандлар асосан тизимдаги бошланғич ташкилотлардаги қабул қилинган жамоа шартномалари орқали амалга оширилмоқда. Ҳужжатларнинг ҳаётда ўз аксини топган бандлари ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш ҳисобига рўёбга чиқарилмоқда.

Шуниси қувончлики, қўшма корхоналардаги энг кам иш ҳақи миқдорини меъёрий ҳужжатларга қараганда бир неча бор оширишга муваффақ бўлинди. Қўшимча меҳнат таътилларининг куни кўпайтирилиб, ёрдамга муҳтож оилаларга «Манзилли ёрдам» уюштирилди. Маъмурият ҳисобидан меҳнаткашларга соғломлаштириш масканларига имтиёзли йўлланмалар берилди. Уларнинг фарзандлари ҳам ёзги таътилларини болалар оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқариб ўтказишди.

Корхона ва хўжаликлардаги нафақахўрларга 40 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. «Кўп йиллик хизмати учун» бериладиган устама ҳақ 3500 нафардан зиёд нафақахўрга татбиқ этилди. 200 нафар ёлғиз яшайдиган пенсионерларнинг уй-жойлари таъмирдан чиқариб берилди.

Вилоят касаба уюшма тармоқ қўмитаси томонидан тузилган битимга асосан тизимдаги меҳнаткашларни соғломлаштириш учун санаторий ва дам олиш уйларига 526 та йўлланма тарқатилди. Қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишлар якунига кўра ғалла ўрим-йиғимидан кейин 119 нафар комбайнчи, пахта мавсумидан сўнг 160 нафар механизатор Бўстонлиқ туманидаги «Хумсон» ва «Олтин-Ёмби» сиҳатгоҳларида соғлиқларини тиклаб олишди. Ёз мавсумида вилоятнинг энг сўлим жойларидаги «Келажак», «Сойлиқ», «Наргиз» ва «Бойчечак» оромгоҳларида тармоқ меҳнаткашларининг фарзандлари дам олишди. «Келажак» болалар оромгоҳида эса Пахтасаноат бирлашмаси тизимидаги ишчи-хизматчиларнинг 240 нафар ўғил-қизлари корхоналар ҳисобидан бепул дам олдилар.

2002 йилда вилоятнинг барча туманларидаги тармоқ меҳнаткашларини Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёҳатлари уюштирилди.

Лекин битимлардаги бандларнинг бажарилишида баъзи бир камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Масалан меҳнат таътилларига чиқариш, ойлик маошни тўлаш, ишга қабул қилиш ва озод этишда айрим нуқсонлар учрамоқда. Буларнинг асосий сабаби меҳнат қонунчилигига жиддий амал қилинмаётганлигидадир. 2003 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра вилоят агросаноат тармоғида иш ҳақидан қарздорлик 739 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 310 миллион сўми пахта тозалаш корхоналарига, 168 миллион сўми эса туманлардаги мавжуд Машина трактор паркларига тегишлидир. Афсуски, айрим корхона ҳамда хўжаликларнинг раҳбарлари маошни ўз вақтида бериш масаласига панжа орасидан қарашмоқда. Бунинг натижасида Бўка пахта тозалаш заводида иш ҳақидан қарздорлик 60 миллион сўмни ташкил этган. «Қорасув» ва «Ўзбекистон» пахта тозалаш заводларида эса бу рақам 35-45 миллион сўмга етган.

Бу борада айрим ширкат хўжаликларидаги аҳвол ҳам ачинарлидир. Масалан Бўка туманидаги «Ровот», «Хўжақўрғон», Юқори Чирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли, Бўстонлиқ туманидаги «Бўстонлиқ», «Енбек», «Хондайлиқ» хўжаликларида иш ҳақидан қарздорлик хануз камаймаяпти.

Иш вақтида бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Масалан Пахтасаноат бирлашмасига қарашли Мустақиллик, Пискент пахта тозалаш корхоналарида техника хавфсизлиги қоидасига риоя қилинмаслиги оқибатида иш вақтида жароҳатланишлар рўй берган. Оққўрғон туманидаги Сегизбоев номли ширкат хўжалигида эса трактор ҳайдовчиси бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан кўз юмди. Биз юқорида тилга олиб ўтган тан жароҳати олган ва боқувчисини йўқотган оилаларга амалдаги қонун асосида нафақалар тайинланди. Лекин бу бахтсиз ҳодисалар ўрнини нафақа-ю тўловлар билан тўлдириб бўладими?

Қабул қилинган тармоқ битимларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим хўжаликларда меҳнаткашлардан тушган аризаларни рўйхатга олиш ва уларни ижро этишда баъзи ҳолатларда масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда. Айрим хўжаликларда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг рўйхатлари ҳамон тузилмаган.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.

Мулоҳаза

ИШЛОВЧИ ҚАЛБИГА ЯҚИН ТАШКИЛОТ

ёки касаба уюшма фақат йўлланма берадими?

Кимгадир сиҳатгоҳга йўлланма керак бўлиб қолса, дарров касаба уюшмасини эслайди ёки унга мурожаат қилади. Шу боисдан айрим кишилар бу энг оммавий ташкилотни фақат йўлланма беради, деб тушунишади. Сизнинг қаерда ишлашингизни билгач, йўлланма топишда кўмак беришингизни илтимос қилишади. Ажабо, касаба уюшма фақат йўлланма берадиган ташкилотми?

Тўғри, «Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш, ижтимоий суғурта маблағларини ҳисобга олиш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги қўлланмада меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларига санаторий-курорт хизмати кўрсатиш, соғломлаштириш ишларини ташкил этиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан давлат ижтимоий суғурта маблағи ҳисобига молиялаштирилиши таъкидланган.

Энди оромгоҳлар тўғрисида икки оғиз фикр. Уларни қуриш ҳамда керакли қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш ишларида хўжалик ташкилотлари бош ҳомийлардан бири. Касаба уюшмалари ана шу ишларни ташкиллаштириш қаторида меҳнат шароити ва унга ҳақ тўлаш, муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа манфаатларни ҳимоя қилади.

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларининг қонуний ҳимоячиси сифатида беминнат хизмат қилувчи ташкилот - бу касаба уюшмасидир. У — «Касаба уюшмалари фаолияти ва уларнинг кафолатлари тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлар, Меҳнат Кодекси ва ўз Низоми ва Ҳаракат Дастурлари асосида фаолият кўрсатади. Бу — асосан жойларда тузилаётган битимлар, келишувлар ҳамда жамоа шартномалари орқали амалга оширилади.

Масалан, тармоқ бўйича ўтган йили 4 нафар киши ўз ишига тикланди. 6 нафар ходимнинг иш ҳақи, 4 нафар ходимнинг нафақаси ундириб берилди. Туман тармоқ қўмиталари томонидан эса 83 та ариза ижобий натижасини топди.

Шунингдек, тармоқда иш ҳақидан қарздорликни тугатиш мақсадида касаба уюшма ташкилотларининг ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, ўтган даврда кечиктирилган иш ҳақини ундириш бўйича корхона, ташкилот раҳбарларига 120 та тақдимнома киритилди ва бунинг натижасида 245 миллион сўм иш ҳақи тўланиши таъминланди.

Касаба уюшмалари Кенгаши прокуратура билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган тавсияга асосан жойларда жамоатчилик назорати ўрнатган. Хусусан, «Наманганирқурилиш» трести, Мингбулоқ туманидаги «Гулбоғ» пахта заводи, Косонсой туманидаги МТП акциядорлик жамияти ва «Ирқурилиш» ташкилоти, Уйчи туманидаги МТП акциядорлик жамиятида ойлик иш ҳақлари берилиши устидан жамоатчилик асосида текшириш ўтказилиб, муаммоларга барҳам берилди.

Меҳнаткашларнинг маданий-маърифий билимларини ошириш, спорт ва унинг оммавийлигини таъминлаш бўйича тадбирлар ўтказилди. «Ибратли келин», «Энг намунали оила», «Оилам менинг фахрим» ва «Ўзбекистон – Ватаним маним» каби кўрик-танловлар шулар жумласидан.

Тармоқдаги 880 та спорт майдончалари, 5 та спорт зали, 14 та стадион ва 2 та сузиш ҳавзаларида 30 минг нафарга яқин киши шуғулланмоқда. «Обод маҳалла йили»да ёшлар спортига эътибор кучайтирилиб, касаба уюшма ташкилотлари ҳам жойларда тадбирлар ўтказмоқда.

Кўриниб турибдики, касаба уюшмалари фаолияти ғоят кўп қиррали. Ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, меҳнаткашга зарур шарт-шароит яратиб бериш шулар жумласидандир. Демак, касаба уюшма ташкилоти фаолиятини бир томонлама тушунмаслик керак.

Пайзулло ПАЯЗОВ,
Наманган вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси

ОВУЛ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Овулда тартиб ва осойишталикни таъминлаш, муаммоларни бартараф этиш, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини шу ернинг ўзида ҳал қилиш қишлоқ фуқаролар йиғинларининг бугунги кундаги муҳим вазифаларидан биридир. Шу боис фуқаролардан тушган аризалар ўз вақтида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилмоқда. Бунинг натижасида уларнинг юқори ташкилотларга мурожаат қилишига бутунлай барҳам берилди. Бундан ташқари хўжалик маъмурияти билан келишилган ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, улар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга катта эътибор қаратилган.

Жумладан, бир йилда кам даромадли оилалар ва уларнинг фарзандларига 14 миллион 670 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Икки ёшгача бола тарбияси билан банд бўлган оналарга ҳукуматимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Уларга 7 миллион 681 минг сўмлик нафақа пуллари тўланди. Парваришга муҳтож якка-ёлғиз нафақахўрларга тўққиз хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари мунтазам етказиб берилмоқда. Хўжалик ҳисобидан 261 нафар қарияга 1 миллион 135 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, фуқаролар йиғинидаги мавжуд 5 мактаб, 4 та фельдшер-акушерлик пунктлари, овул шифохонаси, болалар боғчаси хўжалик маблағи ҳисобига таъмирланди.

Ўтган йилнинг ўзида 2 та хусусий фирма, 2 та кичик корхона, 4 та якка тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар ташкил этилди.

Ҳар бир маҳаллада бугунги кунда «Бувижонлар ва бобожонлар» кўрик-танловлари ўтказилаётганини, 11- ўрта мактабда аълочи ўқувчилар учун стипендия ташкил этилганини мустақиллик берган имконият, бир сўз билан айтганда навоийликларда эртанги кунга бўлган ишонч тобора мустаҳкамланаётгани белгиси дейиш мумкин.

Маъмур АҲМЕТОВ,
Навоий вилоятидаги «Боймурот» қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли

ТАДБИРКОР КИШИ

асло ютқазмайди

Фахр

Биз кўпинча тадбиркорлик деганда ўрта ва кичик бизнесни тушунамиз. Ҳолбуки, уни кенгроқ маънода идрок этиш керак. Самарқанддаги «Нафис» акционерлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси, умуман меҳнат жамоаси фаолияти ҳақида бемалол ана шундай дейиш мумкин. Чунки бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг қийин даврларида ҳам корхонада ишлаб чиқариш тўхтамади, иш ўринлари қисқартирилмади. Раҳбарият, касабақўм – ҳамма бир-бирини қўллаб-қувватлади. Ана шундай ҳамжиҳатлик туфайли корхона ривожланиб бораяпти.

– Маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш осон бўлмади, - дея таъкидлайди жамият бошқарув раиси Б.Тўрақулов, – Бунинг учун олинаётган соф фойданинг катта қисмини ана шу мақсадга йўналтиришга тўғри келди. Ишчилар ҳам буни тўғри тушунишди ва қўллаб-қувватлашди. Акс ҳолда корхона тўхтаб, минглаб одамлар ишсиз қолиши мумкин эди. Хуллас, эндиликда қийинчиликлар ортда қолди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидан деярли тўлиқ фойдаланилаяпти.

Фойданинг анчагина қисми ижтимоий соҳага, ишчиларни рағбатлантиришга, моддий қўллаб-қувватлашга, соғломлаштиришга йўналтирилаяпти. Корхонага кирсангиз орасталикни кўриб баҳридилингиз очилади. Иш шароитининг яхшилигидан қониқиш ҳосил қиласиз. Барча цехларда дам олиш, овқатланиш хоналари бор. Ишчиларнинг эҳтиёжлари ўрганилиб, масалалар имкон қадар ҳал этилмоқда. Бундан ташқари корхонада маиший хизмат, тиббиёт масканлари, кундузги стационар, сауна, кутубхона ишлаб турибди.

– Ҳар бир киши меҳнатига яраша қадрланиши керак. Биз ўз фаолиятимизда ана шу ақидага қатъий амал қиламиз, - дея таъкидлайди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳаким Абдурасулов. – Шунинг учун аввало меҳнатни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш ишларига эътибор катта. Ҳар йили иш жойлари аттестациядан ўтказилади. Зарурат бўлса, таъмирлаш ишлари бажарилади. Касб ва иш хусусиятига кўра ишчилар махсус озиқ-овқат, сут маҳсулотлари, ювиш-тозалаш воситалари, махсус иш кийими, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Ходимлар белгиланган жадвалга асосан корхонанинг тиббиёт масканида кўрикдан ўтказилади. Касаллиги аниқланган ишчи шу ерда даволанади ёки шифохонага ётқизилади. Даволаниш харажатлари корхона ҳисобидан қопланади. Хусусан, камқонли хотин-қизларга, ҳомиладор аёлларга қўшимча озиқ-овқат, дори-дармон берилади. Бу мақсадга 1,5 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Ишчилар сиҳатгоҳларда, уларнинг фарзандлари эса ёзги оромгоҳларда дам олдирилмоқда.

Корхона қошидаги клуб ҳамда спорт мажмуида таниқли санъаткорлар иштирокидаги турли маданий-маърифий тадбирлар, цехлараро спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Н.КУРБОНОВА,
ишчи

ХАТЛАР - ҲАЁТ ОЙНАСИ

Миннатдорчилик

ЖОНГА-ЖОН ШИФОКОРЛАР

Яқинда фарзандим бетоб бўлиб, II Тошкент Давлат тиббиёт институти 1-шифохонасининг «Болалар кардионеврологияси» бўлимида даволанди. Бўлим жонкуярларининг саъй-ҳаракати, ўз ишларига содиқ меҳнат қилаётганликларини кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди.

Хусусан, ҳар бир беморни тез кунда соғайиб ўз оиласи бағрига қайтишида бой билим ва тажрибасини аямаётган бўлим мудири Умида Гиясова, шифокор Ибодат Мирходжаева, физиотерапия бўлими мудири Нигора Аҳророва, катта ҳамшира Машҳура Муслимова, ҳамширалардан Нилуфар Абдуллаева ва Саодат Дадаходжаеваларнинг хизматларидан беҳад мамнунман.

Қалби оппоқ халатидек тоза, қўли енгил бу фидойиларнинг сермашаққат ва масъулиятли ишларида ҳамиша омад ёр бўлсин.

Барно АКРАМОВА,
Тошкент шаҳри

«ИШОНЧ»НИНГ ЎРНИ БЎЛАКЧА

Матбуотнинг жамиятимизда тутган ўрни беқиёс. Айниқса, «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози» қаторида «Ишонч» газетаси меҳнаткаш ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этувчи чиқишлари билан жамоамизнинг севимли ва ишончли ҳамроҳига айланган. Унинг ҳар бир саҳифасини синчковлик билан кузатиб, долзарб мавзудаги мақолаларни педагогик жамоамиз ва ўқувчилар ўртасида таҳлил қилиб бораяпмиз.

Шунингдек, мактаб-интернатимизда таҳсил олаётган фарзандларимизни ижтимоий ҳимоялашда ҳам бу нашрнинг ўз ҳиссаси борлиғини алоҳида эътироф этиш жоиздир.

А.ҚЎҒИРОТОВ,
Сурхондарё вилояти 10-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати директори

Нуқтаи назар

РАҚҚОСА ХИРОМ ЭТГАНДА

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос санъати, уни ижро этиш усуллари бор. Неча асрлардан буён ижро этиб келинаётган ўзбек миллий қўшиғи-ю рақслари, Тамарахониму Мукаррама опаларнинг бетакрор санъатлари дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, гулдурос қарсаклар билан кутиб олинмаган, кимлар бу гўзалликдан баҳра олмаган, дейсиз. Чунки ҳақиқий санъатдан яралган гўзаллик дилларга ором бериб, қалбларни маънавий озиқлантиради, буюк кашфиётларга, улуғ ишларга илҳомлантиради. Хуллас, маромига етказиб ижро этилган қўшиқ ва рақсдан инсон руҳи енгиллашиб, асаблари дам олади. Бироқ қўшиқ яхши бўлса-ю, ижро этилган «рақс» кишининг асабига тегса-чи?

Кейинги вақтларда ғарбнинг таъсири натижасида санъатнинг янгича услуби – клиплар ёшлар ва ҳатто, катта ёшдаги кишилар орасида ҳам оммавийлашиб бормоқда. Бу усул қўшиқ матнини кўз ўнгингизда намоён этиш билан бирга, шу клипни суратга туширган режиссёр ва хонанданинг ижодий имкониятларини ҳам ошкор этади.

Лекин ҳамма клиплар ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Зангори экран орқали намойиш этилаётган баъзи бир, ғалати клиплар бунга мисол. Наҳотки шу ҳам санъат бўлса, дейсиз беихтиёр. Сарф этилган маблағ ва вақт ҳақида хонандаларимиз ўйлаб ҳам кўришмаган чоғи. Йигит ва қизларнинг бизнингча ҳеч қандай миллатнинг рақс услубига тўғри келмайдиган ҳаракатлари-ю кийиб олган кийимлари кишининг ғашига тегади, бунинг нимаси санъат, дея ёқа ушлашга мажбур этади. Албатта, замонавий эстрадага ҳамма талабгор. Аммо рақҳоса куйланаётган қўшиққа ҳамоҳанг тарзда, миллийликни йўқотмаган ҳолда хиром этса, шундагина юқорида таъкидланган гўзаллик бунёдга келишини ҳам унутмаслигимиз керак.

Раъно СОБИРЖОН қизи,
уй бекаси

СПОРТ ЙЎРИҚЧИСИ

штати тикланиши керак

Таклиф

Бугунги кунда кўплаб хўжаликларда спорт йўриқчиси штатининг қисқартирилганлиги, қишлоқ жойларида жисмоний тарбия ва спорт ишларининг оқсашига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, қишлоқ спортининг ривожланиши, у ерда истиқомат қилаётган ёш истеъдодларни тарбиялашда спорт йўриқчиларининг ўрни беқиёс.

Албатта, бу муаммо маблағга бориб тақалади. Уни ижобий ҳал қилиш учун фермер хўжаликлари ёки бошқа тадбиркорлар бирлашиб, ҳар йилга бир маротаба туман спорт қўмитаси ёки касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви ҳисобига 5-10 минг сўмдан маблағ ажратсалар, айни муддао бўларди. Йиғилган маблағ ҳисобидан йўриқчилар ойлик иш ҳақи билан таъминланар, спорт иншоотлари эса анжомлар билан жиҳозланган бўларди. Зеро, бу ҳолис бир фикр.

Алишер КАЗАКОВ,
Косон туман касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси

Бир хат изидан

МОЛ ЎҒРИЛАРИ КИМ?

Ўтган йилнинг март ойида «Янги ҳаёт» қишлоғида яшовчи Зайнаб Холмуродованинг 4 бош қорамолини молхонанинг деворини тешиб ўғирлаб кетишди. Хуллас, ҳали вояга етмаган олти нафар норасидаси сут-қатиқсиз, ризқи қийилди.

Бу ҳақида милицияга зудлик билан хабар беришди. Бахмал туман ИИБ томонидан жиноят иши қўзғатилди. Уни фош этиш борасида тезкор ҳаракатлар ўтказилди. Лекин мазкур жиноят негадир узоқ муддат очилмай қолди...

Ўсмат шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Сулаймон Маматқуловнинг фикрича, ҳудудда ўғирлик, майда безорилик каби иллатлар камаймаяпти. Хусусан, ўтган йили 21 та жиноят содир этилган. Агар ҳудудда жами ишга яроқли кишилар сони 3961 нафарни ташкил этишини ҳисобга олсак, улардан 2461 нафари доимий иш билан таъминланмаган. Афсуски, бу рақамларнинг 964 нафарини ўсмир ва ёшлар ташкил этади...

Шаҳарча фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган 5 та комиссия хўжакўрсинга ишлаётгани аён бўлди. Масалан, фуқаролар йиғини раиси қарори билан 2002 йил 14 кишидан иборат «Ёшлар ва ўсмирлар тарбияси, жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳвандликка қарши кураш гуруҳи» тузилди. Уни бошқариш эса йиғин раиси С.Маматқулов зиммасига юклатилди. Аммо иш кутилганидек кетмади.

Йиғин иш режасини кузатар эканмиз, ўтган йили ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш, бандлик дастури, ёшлар ва ўсмирлар билан ишлашга доир бирорта масала кўрилмаган. Боз устига, беш йилдан буён фаолият юритаётган йиғин раисининг неча киши ишсизлик мақомини олиб, ишсизлик нафақаси билан таъминланганини билмаслиги, туман меҳнат ва бандлик идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг йўқлиги ғоят ажабланарли ҳол.

Шунингдек, фуқароларнинг оғзаки мурожаатларига эътибор суст, улар рўйхатга олиб борилмайди. Қарор ва ҳужжатлар ижроси ҳамиша ҳам муддатида таъминланмаган. Профилактик ҳисобда турувчи 210 нафар кишига йиғин раиси қарори билан ҳомий-мураббийлар бириктирилган бўлса-да, улар билан етарлича иш олиб борилмаяпти.

Ҳукуматимизнинг 162 сонли қарорига кўра фуқаролар йиғинлари штаб бирлигига вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячилар лавозимлари киритилган эди. Лекин бу борада ҳам ишлар ўлда-жўлда.

Яна бир жиҳати, ҳудудга хизмат қилувчи 53-милиция таянч пункти профилактика инспектори, фаолияти билан танишар эканмиз, бу ерда ёшлар ва ўсмирлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаганлиги, профилактик ишлар эса шунчаки ҳисобот учун тузилганлигининг гувоҳи бўлдик.

«Янги ҳаёт» қишлоғи кўча оқсоқоли Мамаражаб Қўшбоқов шундай дейди:

– Мол ўғирлиги айнан бизнинг қишлоғимизда бўлганидан ҳижолатдамиз. Ижтимоий масалага оид баъзи камчиликлар ҳам одамлар кайфиятига салбий таъсир этмоқда. Масалан, ўзим II гуруҳ ногиронман. Пахта йиғим-теримида қишлоғимиздан 31 киши қатнашди. Аммо шу кунгача Мирзачўл туманининг «Тошкент» ширкат хўжалигидан 340 минг сўм терим пулини ололганимиз йўқ. Қишлоғимизда инфратузилма ҳам ночор аҳволда: ичимлик суви у ёкда турсин, оқар сув ҳам келмайди. Оби ҳаётни тўрт чақирим масофадан ташиймиз. Хуллас, бизнинг қишлоғимиз ҳар томонлама ёрдамга муҳтож.

Абдуманнап АЗИМОВ,
журналист

Эътироз

САНСАЛОРЛИК ТОКАЙГАЧА

Таҳририятимизга келаётган хатлар оқими кун сайин ортиб бормоқда. Бу албатта қувонарли ҳол. Чунки ёрдам сўраб ёзилган дилномалар, хушхабарлар муҳарририят аҳлига билдирилган ишонч белгисидир. Аммо масалага бошқа томондан ёндошсак, мактубларнинг мазмуни турлича. Уларнинг баъзиларида жамиятимизда ҳали ҳам учраб турган ўзибўларчилик, инсон ҳуқуқларини поймол қилиш ҳақидаги фикрлар ўз аксини топган.

Таҳририятга каттақўрғонлик Муҳаррамхон Аҳмедовадан қалб изтироблари битилган хат келди. Унда ёзилишича, онанинг 6 нафар фарзанди бўлиб, икки нафар ўғли ногирон: бири болалигида ёнғин сабабли иккита бармоғидан ажраган, иккинчиси эса 1991-1997 йиллар орасида етти маротаба жарроҳлик столига ётган...

Хуллас, она тиббий-меҳнат экспертиза хизмати ходимларидан норози. Унинг икки нафар ўғли ҳар йили комиссиядан ўтказилиб, гуруҳ белгиланади. «Бармоқлари янгитдан ўсиб чиқмайди-ку!», дея она ҳақли эътироз билдиради. Устига-устак иккинчи ўғли меҳнатга яроқсиз бўла туриб, унга 2001 йилгача ногиронлик гуруҳи белгиланган, кейинчалик эса бу ҳам насияга айланган. Муҳаррамхон ая бир неча марта ТМЭКга мурожаат қилишига қарамасдан, бу масала эътиборсиз қолдирилган.

Муҳарририят ушбу шикоятни жойида ўрганиш, муаммони қонуний ҳал этиш юзасидан Самарқанд вилоят тиббий меҳнат экспертиза хизматига мурожаат қилганди. Унга шу даргоҳнинг бош эксперти Х.Абдусаломов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Самарқанд вилоят тиббий-меҳнат экспертиза хизмати мутахассислари томонидан Каттақўрғон шаҳри Т.Малик кўчаси 6-уйда истиқомат қилувчи фуқаро М.Аҳмедованинг ёзган аризаси юзасидан текшириш ўтказилди ва қуйидагилар аниқланди:

Н.Мўминовга 1992 йилда 15-ТМЭК мутахассислари томонидан биринчи гуруҳ ногиронлиги 2 йил, 1995 йил иккинчи гуруҳ ногиронлиги умумий касалликдан 1 йил, 1998 йил учинчи гуруҳ ногиронлиги умумий касалликдан 1 йил, 2000 йил учинчи гуруҳ ногиронлиги умумий касалликдан 1 йил муддатга белгиланган.

М.Аҳмедова ТМЭКга мурожаат этмасдан, «Ишонч» газетасига хат йўллагандан кейин Н.Мўминов 2002 йил 9 декабр куни 15-ТМЭК мутахассислари томонидан кўрикдан ўтказилди ва беморга ногиронликнинг учинчи гуруҳи 1 йил муддатга белгиланди».

Жавоб хатини айнан шундайлигича бердик. Биз мутасаддиларнинг хулосасига монелик қилмоқчи эмасмиз. Аммо беморга ташҳис қўйиб, ногиронлик гуруҳини белгилашда узил-кесил бир тўхтамга келиш анчадан бери чўзилаётганлигининг ўзи ажаблантирмайдими? Энди, «ТМЭК ходимларига мурожаат қилмасдан, «Ишонч» газетасига хат йўллаган», деган жумлага келсак. Ахир, фарзандларининг ташвишларида юрган бу муштипар онанинг мақсади улар устидан шикоят қилиш эмас, балки адолатни қарор топтириш эмасми?

Масаланинг яна бир жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Қўшалоқ бармоқларидан айрилган фарзанднинг тақдири барибир эски ҳолатлигича қолмоқда. Хўш, масалани жойида ҳал этиш ўрнига яна қанча инсонни овора-ю сарсон қилиш мумкин?

«РАИС АЛМАШТИРИШ МУСОБАҚАСИ...?»

«Ишонч»га жавоб берадилар

Газетамизнинг шу йил 22 феврал сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилганди. Унда Нишон туманида раисларнинг етарли билим ва тажрибага эга бўлмаганлиги сабабли экин майдонларининг шўрланиб кетганлиги, деҳқончилик маданияти пастлиги, техника, минерал ўғитлар, сув ресурслари ва ишчи кучидан самарали фойдаланилмаганлиги, натижада иқтисодий аҳвол анча мураккаблашиб қолганлиги, хуллас, туманда раис алмаштириш «мусобақа»си самара бермаганлиги танқид қилинган эди.

Таҳририят ушбу мақола юзасидан қуйидагича жавоб хати олди:

«Мақолада келтирилган далиллар вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тупроқ унумдорлигини ошириш ва экология бўлими мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатдан ҳам, кейинги йилларда соҳа мутахассисларининг совуққонлиги, ишга етарли даражада эътибор бермаганлиги туфайли ерларнинг шўрланиш даражаси ортиб, деҳқончилик маданиятига ҳам эътибор сусайган ва бу қишлоқ хўжалик экинларидан олинаётган ҳосилнинг камайишига сабаб бўлган.

Қуйи бўғин раҳбарларини соҳага тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда уларда замон талаблари асосида иш юритиш масъулиятини шакллантириш масалалари бўйича таклифлар қабул қилинди.

Шу кеча-кундузда деҳқончиликда бўлаётган хато-камчиликларни бартараф этиш борасида мутахассислар гуруҳини тузиш тадбири белгилаб олинди».

Ш.ДОНАЕВ,
Қашқадарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Саҳифани тайёрловчи:
Р. МАҲКАМОВА, «Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси ходимларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратмоқда. Шу кунларда Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри касаба уюшма қўмиталари раислари Федерация Кенгашининг Ўқув марказида ўз билимларини оширмоқдалар. Ўқув машғулотлари дастурига касаба уюшма ташкилотларида Устав талабларига риоя этиш, иш юритиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг амалиётга татбиқ этилиши, иш ҳақидан қарздорликни бартараф этишдаги касаба уюшмаларининг ҳаракатлари, ижтимоий суғурта маблағларини сарфлаш қоидаларига риоя қилиш ҳамда уни назорат этиш мавзусидаги долзарб масалаларни қамраб олган маърузалар киритилди.

Машғулотларни Федерация Кенгаши ва тармоқ Марказий Қўмитасининг етук ва малакали мутахассислари олиб бормоқдалар.

Икром ХАСАНОВ олган суратлар.

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Й.Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: ***1. Мактаб кутубхоначиларининг меҳнат таътили неча кундан иборат? Мактабимиз ҳисобчиси кутубхоначиларнинг меҳнат таътили 42 (қирқ икки) иш кунига берилар экан, деб айтди.***

2. Ўқитувчилар бир йил ишлаб, армия сафида 1,5 йил хизмат қилиб ўқитувчиликни давом эттирса, 25 йил педагоглик стажи билан имтиёзли пенсияга чиқмоқчи бўлса, армиядаги давр ҳам ҳисобланадими?

3. Оилада ёлғиз ўғил бўлса, у армия сафида хизмат қилмайди, деб эшитдим, шу ҳақда маълумот берсангиз. Кимлар армия хизматидан озод этиладилар?

У.ҚОРАБОШЕВА, Фарғона вилояти.

ЖАВОБ: 1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 135-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим тизими муассасалари ходимлари лавозимлари бўйича меҳнат таътиллари неча кун берилиши тўғрисида 25 июн 1998 йилда тасдиқланган рўйхатини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига №03-349 сонли хат билан юборган.

Унда кутубхоначиларнинг меҳнат таътили 24 иш кунидан иборат эканлиги акс этган.

2. Ўқитувчилар армиягача ва армиядан келиб ўқитувчилик қилиб ишларини давом эттирсалар, армиядаги давр ҳам педагогик стажга киради.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурияти ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига биноан тинчлик вақтида саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва чақирув куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақириладилар.

Қонуннинг 21-моддасига кўра муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақирув резервидаги хизматга чақирилиш муддатлари қуйидаги ҳолларда кечиктирилади:

1) чақирилувчининг ота-онаси меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, уларни боқиши шарт бўлган меҳнатга қобилиятли вояга етган бошқа ўғли бўлмаса. Ота-онанинг меҳнатга қобилиятсизлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади;

2) чақирилувчининг меҳнатга қобилиятли ёлғиз онаси ёки отаси бўлиб, уларнинг қарамоғида ўн олти ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлгани ҳолда меҳнатга қобилиятли вояга етган бошқа ўғли бўлмаса;

3) чақирув кунида чақирилувчининг туғишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса;

4) чақирилувчининг онасиз тарбияланаётган вояга етмаган бир фарзанди бўлса;

5) чақирилувчининг биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирон хотини ва вояга етмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса.

Чақирилувчини унинг ота-онаси вафот этганлиги, улар узоқ муддат бетоблиги муносабати билан ёки бошқа узрли сабабларга кўра камида беш йилдан бери ўз қарамоғида сақлаётган шахслар унинг ота-онасига тенглаштирилади.

Умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган чақирилувчилар, шунингдек олий таълим муассасаларида кундузги ўқишда таҳсил олаётган талабалар ўқишни давом эттиришлари учун уларнинг чақирилиш муддати ўқишни тамомлагунларига қадар кечиктирилади.

Қонуннинг 22-моддасига биноан муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишидан қуйидагича ҳолларда озод этиладилар.

1) саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган чақирилувчилар;

2) яқин қариндошларидан бири (ака-укаси, опа-синглиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар;

3) рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчилар. Ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган шахслар ўз розиликлари билан ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин.

САВОЛ: ***мактабда ишловчи ўқитувчилар, кутубхоначи, техник ходимлар ва мактаб маъмуриятининг маошларидан олинадиган даромад солиғининг тартиби ҳақида маълумот берсангиз.***

Г.ҒАЙБУЛЛАЕВА, Самарқанд вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон ҳамда 1995 йил 1 мартдаги 72-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1-, 2-, 3-рўйхатларига кирувчи меҳнат қилиш шароитлари оғир ва зарарли, ўта оғир ишлаб чиқаришларда ишлайдиган ходимларнинг даромадларидан солиқлар олишнинг имтиёзли тартиби белгиланган.

Мазкур қарорларда, фуқароларнинг юқорида қайд этилган тоифалари (мактабда ишловчи ўқитувчилар, кутубхоначилар) даромадларини ушлаб қолинадиган даражаси 25 фоиздан ошмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Ўқитувчилар, кутубхона мудирлари, кутубхоначилар 3-рўйхатга тааллуқли бўлганликлари учун уларнинг даромадлари 25 фоиздан ортиқ солиққа тортилиши мумкин эмас.

Саволларингизга Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси меҳнаткашларни ижтимоий - иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Т.Ниёзов жавоб беради

САВОЛ: ***ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда ишчилар смена билан ишлашади. Тунги сменада ишлаганлар учун қандай қўшимча ҳақ тўланади? Шунингдек, байрам ва дам олиш кунларида ишлаганларгачи, уларга икки хисса миқдорида ҳақ тўланадими?***

Қ.ШАРОБИДДИНОВ, Балиқчи тумани.

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 122-моддасига асосан соат 22:00 дан то соат 6:00 гача бўлган вақт тунги вақт ҳисобланади. Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярими тунги вақтига тўғри келса, тунги иш вақти бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади. Ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан, ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек, бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади. Ходимларни тунги вақтдаги ишга жалб этиш ушбу кодекснинг 220-моддаси 5-қисмига ва ушбу кодекснинг 245-моддасига асосан ногиронларни, ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган болали (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болали) тунги вақтдаги ишларга уларнинг розилиги билангина башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

Бундан ташқари МКнинг 245-моддасига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга жалб этиш тақиқланади. Меҳнат Кодексининг 158-моддасига асосан тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баробар миқдорда ҳақ тўланади.

Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф сеткаларига (мансаб маошларига) қўшилмайди.

Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Ҳақиқатдан ҳам Меҳнат Кодексининг 157-моддасига асосан дам олиш ва байрам кунларида ишлаганлар учун камида икки хисса миқдорида ҳақ тўланади.

САВОЛ: ***ходимнинг ўз вазифасидан ташқари бир ёки бир неча лавозимдаги ишни бажарганлиги учун қўшимча тўланадиган ҳақнинг миқдори тўғрисида маълумот берсангиз?***

Ғ.МУҲАММАДЖОНОВ, Шаҳрихон тумани.

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 160-моддасига асосан бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, хизмати кўрсатиш доираси кенгайганлиги бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларни бажарганлик учун, шунингдек, ўриндошлик асосида иш бажарилганида (ходим ўзининг асосий ишини бажаришдан ташқари асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажарганда) ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлар ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади.

САВОЛ: ***корхоналарда кўпчилик ҳолларда навбатчилик ташкил қилинади. Жумладан, бош механик ёки бош нурчи ўзининг ҳар кунги вазифасини бажариш билан бирга одам етишмаслиги оқибатида ҳафтасига 1-2 кун оддий ишчилар қаторида кечаси билан навбатчилик қилиб, эртасига дам олади, уларга тунги сменада ишлаганлиги учун қўшимча ҳақ тўланадими, агар тўланса қандай тарзда тўланади?***

И.АҲМЕДОВ, Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 124-моддасига асосан ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин.

Иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда, шунингдек, меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди. Иш вақтидан ташқари ишга жалб этиш ушбу кодекснинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун компенсация ва ҳақ тўлаш ушбу кодекснинг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

СООБЩЕНИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ:

НАСТУПЛЕНИЕ ДАТЫ ЗАКРЫТИЯ РЕЕСТРА ОАО «5-Таксисарой»

Порядковый номер сообщения — 07.

— дата принятия эмитентом решения — 25 февраля 2003 года;
— дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг — 26 марта 2003 года.

РЕШЕНИЕ ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ ОАО «5-Таксисарой»

Порядковый номер сообщения — 09.

— вид общего собрания — годовое;
— форма проведения общего собрания — очная;
— дата проведения общего собрания — 28 марта 2003 года;
— место проведения общего собрания — г.Ташкент, ул.Арнасай 7а;
— кворум общего собрания — 59695 простых акций — 81,8 голосов;
— вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним;
1. Утверждение годового отчета и финансовых результатов хоз. деятельности ОАО «5-Таксисарой».
Голосовали: за — 81,8%, против — нет, воздержался — нет.
2. Отчет Ревизионной комиссии и утверждение аудиторского заключения.
Голосовали: за — 81,8%, против — нет, воздержался — нет.
3. Отчет Наблюдательного совета.
Голосовали: за — 81,8%, против — нет, воздержался — нет.
4. Порядок распределения прибыли.
Голосовали: за — 81,8% против — нет, воздержался — нет.
5. Утверждение бизнес-плана на 2003 год.
Голосовали: за — 81,8%, против — нет, воздержался — нет.
6. Увеличение Уставного фонда.
Голосовали: за — 81,8%, против — нет, воздержался — нет.
7. Выборы в Наблюдательный совет и Ревизионную комиссию.
Голосовали: за — 81,8%, против — нет, воздержался — нет.
8. Назначение руководителя Исполнительного органа.
Голосовали: за — 81,8%, против — нет, воздержался — нет.
9. Утверждение аудитора на 2003 год.
Голосовали: за - 81,8%, против — нет, воздержался — нет.
10. Утверждение Устава общества в новой редакции.
Голосовали: за — 81,8%, против — нет, воздержался — нет.
11. Утверждение положений:
О совершении обществом сделки, в которой имеются заинтересованные лица.
Об Общем собрании акционеров.
О Наблюдательном совете общества.
Об Исполнительном органе общества.
О Ревизионной комиссии общества.
О порядке размещения дополнительных акций общества.
Голосовали: за — 81,8%, против — нет, воздержался — нет.
12. Утверждение договора найма руководителя Исполнительного органа.
Голосовали: за — 81,8%, против — нет, воздержался — нет.

Полные формулировки решений, принятых общим собранием:

1. Утвердить годовой отчет и финансовые результаты ОАО «5-Таксисарой» за 2002 год.
2. Утвердить заключение Ревизионной комиссии за 2002 год.
3. Признать работу Наблюдательного совета удовлетворительной.
4. Чистую прибыль в размере 7349,5 тыс. сум направить на дивиденды путем выпуска дополнительных акций и их капитализации.
5. Утвердить бизнес-план ОАО «5-Таксисарой» на 2003 год.
6. Произвести увеличение уставного фонда путем капитализации нераспределенной прибыли на 7349,5 тыс. сум и выпуска дополнительных акций на 35301,0 тыс. сум.
7. Утвердить на 2003 год в качестве аудита общества ЧФ «АММ-АУДИТ».
8. Утвердить новый состав Наблюдательного в кол-ве 7 человек.
9. Утвердить новый состав Ревизионной комиссии в кол-ве 3 человек.
10. Назначить руководителем Исполнительного органа Сабирова Р.С.
11. Утвердить Устав в новой редакции.
12. Утвердить положения и обязать членов Наблюдательного совета привести их в соответствии с законом.

ИЗМЕНЕНИЯ В ПЕРСОНАЛЬНОМ СОСТАВЕ ДОЛЖНОСТНЫХ ЛИЦ ОАО «5-Таксисарой»

Порядковый номер сообщения — 10

— орган управления эмитента, в котором произошли изменения — Наблюдательный совет;
— фамилия, имя, отчество избранного лица и лица полномочия которого прекращены:
— выбраны:

Помрих Т.	гос. доля	25%	18374 акции
Хусаинов А.	СП «Миссисипи»	25%	18374 акции
Шаабдурахимов Ш.Ш.	ИФ «Капитал-Инвест»	15%	11012 акции
Хакимов Я.А.	Узавтотрансбутлаш	5,7%	4167 акций
Хасанов И.И.	ИФ «Капитал-Инвест»	1,5%	1065 акций
Ибрагимов Б.Т.	Пред. профкома		31 акция
Мусаев А.	Акционер	0,6%	435 акций

— выведены:

Неверов Г.Д.	труд.кол-в	39 акций
Букреева И.Ю.	труд.кол-в	175 акций

— уполномоченный орган, принявший решение — общее собрание
— дата, в которой произошли изменения — 28 марта 2003 года.

НАЧИСЛЕНИЕ И ВЫПЛАТА ДОХОДОВ ПО ЦЕННЫМ БУМАГАМ ОАО «5-Таксисарой»

— вид ценных бумаг, а также категория (тип) — простые именные;
— дата принятия эмитентом решения о выплате (объявлении) дивидендов по акциям — 28 марта 2003 года;
— срок выплаты дивидендов по акциям — в течение месяца со дня подписания протокола Общего собрания акционеров;
— орган эмитента, принявший решение о выплате (объявлении) дивидендов по акциям — Общее собрание акционеров;
— размер дивиденда, начисленного, выплачиваемого на одну акцию указанной категории (типа) — 100% от номинальной стоимости одной акции;
— общее количество акций одной категории (типа), по которым начислены дивиденды — 73495 штук;
— форма выплаты начисленных доходов по акциям — акции.

«БОЙСУН БАҲОРИ»ГА ТАРАДДУД

Бойсун халқимизнинг кўхна урф-одатлари, оғзаки ижоди, ҳунармандчилиги, миллий халқ ўйинлари, қўйингки, ҳаёт тарзи бус-бутун сақланиб қолган ҳудуддир. «Инсоният маънавий мероси дурдонаси» деб эътироф этилган Бойсун тумани жаҳондаги 19 та ана шундай ЮНЕСКО рўйхатига киритилган манзиллардан бири саналади. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси халқимиз маданий-маърифий анъаналарини сақлаш ва асраш, уларни мамлакатимизда ҳамда халқаро микёсда кенг тарғиб этиш тўғрисида махсус фармойиш қабул қилган эди.

Шунга асосан «Бойсун баҳори» халқаро очиқ фестивали ўтган йили тантанали равишда ўтказилиб, унда Буюк Британия, Германия, Франция каби мамлакатлардан йигирмадан ортиқ фольклоршунос, мусиқашунос ва санъатшунослар иштирок этган эди. Фестиваль чин маънода Шарқ халқлари фольклор мусиқаси, қўшиқ ва рақслари намойиши, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий санъат байрамига айланиб кетган эди.

Айни кунларда Сурхондарё вилоятида «Бойсун баҳори» иккинчи халқаро очиқ фольклор фестивалини юқори савияда ўтказиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. 14-19 май кунлари ўтадиган анжуманга жаҳоннинг етти иқлимидан меҳмонлар, фольклор дасталари, бахши ва оқинлар келиши кутилмоқда. Айниқса, анжуман ўтадиган «Алпомиш» мажмуасида тайёргарлик ишлари қизғин. Мажмуа атрофига гул, турли манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, гулзорлар барпо этилмоқда. Ўтов уйлар қурилиб, улар анвойи гуллар, халқ каштачилиги намуналари - сўзаналар, зардеворлар билан безатилмоқда.

- Энг обрўли халқаро ташкилот ЮНЕСКОнинг тоғлар юрти Бойсунни «Инсоният маънавий мероси дурдонаси» сифатида тан олиши мустақил юртимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади. ЮНЕСКО ишлари бўйича Республика Миллий Комиссиясининг Бойсун тупроғида халқаро очиқ фольклор фестивалини ўтказиш борасидаги таклифи қалбларимизда ифтихор туйғуларини ўйғотади. Шу боисдан Бойсун туман ҳокимлиги, Бадиий академиянинг Сурхондарё бўлими, сайёҳлик ва экскурсия бюроси, маданият ишлари бошқармаси ходимлари фестивални янада файзли ўтказиш учун белгиланган тадбир асосида тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди, - дейди Бойсун туман ҳокими муовини Муҳаммади Норқулов. - Бу йилги нафосат байрамида иштирок этиш учун Франция, Англия, Япония, Жанубий Корея, Туркия каби ривожланган мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюриши кутилмоқда. Уларни ўзбекона меҳмоннавозлик ва самимият билан кутиб олиш учун барча шарт-шароитлар яратилади.

Бу йил ҳам фестивал давомида фольклор дасталари ўртасида беллашув, либос дизайнерлари танловлари бўлиб ўтади. Зеро, уни ўтказишдан мақсад — асл фольклор мусиқаси, қўшиқ ва рақслари, миллий либослар ва халқ ҳунармандчилиги намуналарини дунёга кенг тарғиб этишдан иборатдир.

— Бойсуннинг тоғу қирлари, саховатли кишилари қалбида бебаҳо бойлигимиз, халқ оғзаки ижодининг гўзал намуналари йиллар давомида акс-садо бериб туради. Кўхна қадриятлар маскани бўлмиш ҳудудимизда бу йил ҳам халқаро анжуман катта муваффақият билан ўтишига ишонамиз. Унда куйланадиган халқ оғзаки ижоди намуналари, намойиш этиладиган қадимий санъат дурдоналарида халқимизнинг бой маънавияти, юксак ижодий салоҳияти ва инсоний фазилатлари ўз аксини топади, - дейди фестивал совриндори, халқ бахшиси Шоберди Болтаев.

Ишонамизки, фестивал нафақат қадимий анъаналаримиз, санъатимиз намойиши, балки, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик ғоялари акс этган маданий-ижодий алоқаларни кенгайтириш рамзи бўлиб хизмат қилади.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

Мамлакатимизда ёш авлодни билимдон, фикран теран, жисмонан баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилган таълим тизимидаги ислоҳотлар босқичма-босқич муваффақият билан амалга оширилмоқда. Хусусан, бугунги кунда ўрта махсус таълим тизимида барча қулайликларга эга юзлаб замонавий касб-ҳунар коллежлари, лицей ва гимназиялар халқаро талабларга мос равишда фаолият кўрсатаётир. Уларда минглаб ўғил-қизлар таълим-тарбия олиш билан бирга, ўзлари танлаган касб-ҳунар сирларини ҳам пухта эгаллашмоқда.

КОЛЛЕЖДА ЯПОНИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежи ўз фаолиятини бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бундан қарийб уч йил аввал Тошкент технология техникуми базасида ташкил этилган, энг сўнгги нусхадаги ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган коллежда ҳозирги кунда 912 нафар ўқувчи донни сақлаш ва қайта ишлаб чиқариш, элеватор саноати, қандолатчилик ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотларини консервалаш технологияси, бухгалтерия-иқтисодиёт, маркетология сингари йўналишлар бўйича таълим олишмоқда. Янги ўқув йилидан бошлаб эса экология ва нефт-газ оператори ихтисосликлари бўйича ўқувчилар қабул қилиш режалаштириляпти.

— Ўқувчиларимизнинг етарли даражада билим олишлари, касб-ҳунар сирларини эгаллашлари учун барча шароитлар яратиб берилган, — дейди коллеж директори, технология фанлари доктори, профессор Ашраф Эминов. — Иккита ўқув биноси, битта ўқув-ишлаб чиқариш биноси, кутубхона, 184 ўринга мўлжалланган талабалар уйи, ошхона, шунингдек, ҳавас қилса арзигулик спорт мажмуи улар ихтиёрида.

Дарвоқе, коллеж ҳаёти билан танишиш асносида билим маскани ҳақиқатдан ҳавас қилса арзигулик спорт мажмуига эга эканлигига, қолаверса, бу ерда жисмоний ва маънавий камолот гарови бўлмиш спортга катта эътибор қаратилаётганлигига амин бўлдик. Ўқувчилар нафақат дарс машғулотлари пайтида, балки дарсдан бўш вақтларида ҳам ўзлари ёқтирган спорт тури билан машғул: кимдир машғулотлар зали ёки ўйингоҳда ва яна кимдир теннис корти ёки волейбол майдончасида. Яна бир эътиборли жиҳат шуки, коллежда замонавий сузиш ҳавзаси ҳам мавжуд. Шу боис ўқувчилар турли мусобақаларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишяпти. Масалан, бу йил Андижон вилоятида бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг финал босқичида бир йўла 22 нафар ўқувчи бокс, футбол, миллий кураш, шоҳмот, шашка, кичик ва катта теннис бўйича қатнашадиган бўлишди. Тармоқ ходимлари Тошкент шаҳар касаба уюшма қўмитаси томонидан ташкил этилган спартакиадада эса умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин қўлга киритилди.

Салкам 29 мингта китоб фондига эга кутубхонадан фақатгина коллеж ўқувчилари, ўқитувчи ва ўқув усталаригина эмас, кимё-технология институти талабалари ҳам фойдаланишмоқда. Зеро, бу ердан зарур барча умумтаълим ва ихтисослик дарсликларини, бадиий адабиётлар, ижтимоий-сиёсий методик қўлланмалар ҳамда маъруза матнларини топиш мумкин. Бундан ташқари, кутубхона маъмурият томонидан «Халқ сўзи», «Правда Востока», «Ишонч», «Тошкент оқшоми», «Ишонч-Доверие», «Вечерний Ташкент», «Бозор, пул, кредит», «Тафаккур», «Саодат» сингари газета-журналларга обуна қилинган.

Бир нафар фан доктори, етти нафар фан номзоди ва йигирма беш нафар олий тоифали педагоглар сабоқларини олаётган ўқувчилар туман, шаҳар миқёсидаги кўрик-танловларда, фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашишмоқда. Бир неча иқтидорли ўқувчининг физика, химия, рус тили ва адабиёти, чет тиллар бўйича фан олимпиадаларининг республика босқичи йўлланмаларини қўлга киритишгани ҳам фикримиз исботидир. Бинобарин, ўқув жараёнига замонавий таълим технологияларини дадил жорий этишда Любовь Карташева, Дилором Мамедова, Раҳматулла Маҳамедова, Ҳамид Жапалиев, Валентин Цхе, Шавкат Юнусов сингари тажрибали педагог ва ўқув усталари қаторида ёш, изланувчан ўқитувчилар — Дўстмурод Дўстқобилов, Муҳаммадшер Мейлиев, Рўзиқул Ўсаров, Мираббос Хўжамбердиевларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир.

«Олтин бошоқ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, Дон сақлаш комбинати ва тегирмон жиҳозлари ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Чехия қўшма корхоналари билан ўрнатилган ҳамкорлик назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлашга пухта замин ҳозирлаяпти.



Билим масканида Обод маҳалла йили муносабати билан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, шу пайтга қадар коллеж ҳудудида кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиб, беш ярим минг тупга яқин мевали ва манзарали ҳамда ёғочбоп дарахт кўчатлари, икки минг туп атиргул таёқчалари ўтқазилибди.

— Бу борадаги ишларимиз бир кун бўлса-да тўхтаб қолгани йўқ. Ўқитувчи ва ўқувчиларимиз дарсдан бўш вақтларида ўзларига бириктирилган ер майдонларида олиб борилаётган кўкаламзорлаштириш тадбирларида фаол иштирок этишяпти. Айтганча, яқин кунлар ичида яна 30 минг туп шафран гули кўчатларини экишни мўлжаллаб турибмиз. Қарабсизки, коллежимиз киши кўзини қувнатадиган ажойиб масканга айланади, — дейди маъмурий-хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Абдираҳим Пардаев.

Коллеж маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмиталари ўқитувчилар, ўқув усталари, ишчи-ходимлар ва ўқувчиларни ижтимоий томондан ҳимоялаш, соғломлаштириш ишига муҳим вазифа сифатида ёндошмоқда. Ҳар йили дам олиш уйларига йўлланмалар ажратилиб, турли саёҳатлар уюштириляпти. Масалан, ўтган йили 20 нафарга яқин ўқитувчи ва ишчи-ходимлар соғломлаштириш марказларида соғлиқларини тиклашди. Аълочи, фаол, ғолиб спортчи ўқувчиларнинг бир гуруҳи эса сўлим «Кумушкон» оромгоҳида дам олиб қайтди.

Дарвоқе, билим маскани республика коллежлари ўртасида ўтказилган танловда ғолиб чиқиб, Япония грантини қўлга киритишга муваффақ бўлган. Шунга асосан, яқин ойлар ичида бу ерда Япония технологияси билан жиҳозланган республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази ўз ишини бошлайди. Бу, албатта, мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналарига ўрта маълумотли малакали кадрлар етказиб беришда коллеж учун янада катта имкониятлар яратиши, шубҳасиз.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.
Шоҳруҳ САРИЕВ олган суратлар.

Халқаро аэрофазо ёзги мактаби машғулотларига тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Ҳар йили ўтказиладиган бу муҳим маърифий тадбирда иштирок этадиган иқтидорли ёшлар номзодлари ҳам аниқланди.

ИСТЕЪДОДЛАР КЎРИГИ

Республика мактаб ўқувчилари саройида уюштирилган «Улуғбек юлдузлари» кўрик-танловида ғолиб бўлган толиби илмлар ёзги мактаб машғулотларида қатнашадилар. Улар ўз билим ва малакаларини ошириш жараёнида техника ва бадиий ижод соҳасида ўз иқтидорларини ҳам намойиш этишади. Шунингдек, тадбирда республика ёш саёҳатчилар станцияси дастури бўйича ҳам ўзаро мусобақалар ташкил этилади.

АЛОҚА МАРКАЛАРИ КАТАЛОГИ

Мустақилликка эришилгач, ўлкамиз ҳаётининг турли соҳаларига бағишланган маркалар ҳам чоп этила бошланди. Бу хайрли иш билан «Ўзбекистон маркаси» ҳиссадорлик жамияти шуғулланиб келмоқда.

Айни кунларда жамият 1992-1998 йиллар мобайнида чиқарилган маркалар жамланмаси бўйича каталог тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Бу изланишнинг дастлабки натижаси ўлароқ маркалар каталогининг биринчи нашри юзага келди.

Унинг иккинчи жилдини босмага тайёрлаш ишлари ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Унда 1998-2002 йилларда чоп этилган республикамиз алоқа марказлари мажмуаси ўз аксини топади.

А.АЛИЕВ.

СПАРТАКИАДА БАҲСЛАРИ

тармоқ раҳбар ходимлари ўртасида ўтказилди

Тошкент вилояти Зангиота туманида вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг спартакиада беллашувлари ўтказилди. Унда 13 та туман ва шаҳар жамоаларига бирлашган тармоқ раҳбар ходимлари спортнинг мини футбол, волейбол, шоҳмот, шашка, стол тенниси каби турлари бўйича баҳс олиб боришди.

Айтиш керакки, мусобақа тармоқ ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси томонидан юқори савияда ташкил этилди. Зеро, қизиқарли, кескин ва муросасиз беллашувлар фикримизни тўла тасдиқлади.

Мини футбол бўйича Паркент, Бекобод, Чиноз, Ангрен жамоалари ўзаро баҳс олиб бордилар. «Бекобод» ва «Паркент» жамоалари учрашувида бекободликларнинг қўли баланд келди: 5:1. Чинозлик ҳамда ангренлик футболчилар учрашуви ёмғир шаррос қўйиб турганига қарамай қизғин курашларга бой бўлганлиги билан мухлисларда илиқ таассурот қолдирди. Омад эса чинозликларга кулиб боқди. Биринчи ўрин учун олиб борилган мусобақасиз баҳсда ҳам чинозликлар мусобақага пухта тайёргарлик кўришганини намойиш этишди.



Аёллар ўртасида бўлиб ўтган шоҳмот мусобақасида Бекобод шаҳридан келган Г.Ким барча рақибларини енгиб, ғолибликка эришди. Кейинги ўринларни эса Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл туманларидан келган Н.Ли ва Г.Қосимовалар эгаллашди. Эркаклар ўртасидаги баҳслар ҳам кескин курашларга бойлиги билан ажралиб турди. Унда Олмалиқдаги 7-мактаб илмий бўлим мудири Аслиддин Гуфронов зафар қучди. Шашка бўйича эркаклар ўртасида бўлиб ўтган баҳсда ғолиблик Бекобод туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси У.Қўзибоевга насиб этди. Аёллар беллашувида эса бош соврин Янгийўл туманидаги 4-мактаб психологи Б.Нураковага лойиқ кўрилди.

Стол тенниси бўйича аёллар ўртасидаги мусобақаларда Ангрен шаҳридаги БҮСМ директори ўринбосари Н.Овасопова барча рақибларидан чапдаст эканини намойиш этди. У ғолиблик учун кескин ўтган баҳсда Ўрта Чирчиқ туманилик ҳамкасби А.Худойбердиевани доғда қолдирди. Кейинги соврин эса Оққўрғонлик З.Аҳмедовага насиб этди. Ушбу спорт турининг эркаклар ўртасидаги беллашувларида Янгийўл шаҳридаги спорт мактаби директори Х.Тошматов барча рақибларидан тажриба бобида устун эканлигини кўрсатди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Мусобақа сўнггида спартакиада қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Тадбир



Манзура Холхўжаева, ҳакам:

– Мусобақа менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, қатнашувчиларнинг фаоллиги, спортга бўлган эътибори кучли эканлигига амин бўлдик. Бу каби нуфузли тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Қосимжон Эрназаров, Бекобод туманидаги 2-мактаб директори:

– Турнир жуда яхши ташкил этилди. Спартакиада баҳонасида кўплаб ҳамкасблар билан танишдик, тажриба алмашдик. Энг муҳими, тадбир ҳам жисмоний, ҳам маънавий дам олишимизни таъминлади.

Одил ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.
Ш.САРИЕВ олган суратлар.

Жиззах томонларда

МЕҲРИБОНЛИК УЙИГА «ДАМАС»

Пахтакор туманидаги 31-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига республика Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари «Дамас» енгил машинаси совға қилишди. Эндиликда тарбияланувчилар бу машинада саёҳатга чиқишлари, вилоят ва республика тадбирларида бемалол қатнашишлари мумкин. Шунингдек, машина хўжалик ишларида асқотмоқда.

БИР ЙЎЛА УЧТА ФАВВОРА

Жиззах шаҳрида илк бор фавворалар қурилишига киришилди. Мустақиллик майдонида ҳар бирининг узунлиги 42 метрдан иборат иккита фаввора барпо этиляпти. Ҳар бири 240 метр куб сув ҳажмига тенг бу фавворалар 4 метр баландликка сув томчиларини кўтара олади. Шунингдек, шаҳарнинг «Ором» мажмуасида ҳам фаввора қурилмоқда. Унинг бошқа фавворалардан фарқли жиҳати шундаки, юксакликдан тушаётган сув томчилари кундузи қуёш нурида, кечалари электр чироқлари ёғдусида ранго-ранг товланиб туради.

Бу фавворларнинг тоза ичимлик сувига мутлақо таъсири бўлмайди. Фаввора учун сув қудуқдан олинади.

МАКТАБ–ИНТЕРНАТГА – ХОРИЖ ГРАНТИ

Зарбдор туманидаги заиф эшитадиган ва кар болалар мактаб–интернатларига Японияниг 166500 АҚШ доллари миқдоридаги гранти берилди. Грант маблағи ҳисобидан ҳар иккала муассасада ювиниш хоналари, тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган иншоотлар ишга туширилди. Кар болалар интернатининг биноси тўлиқ таъмирланиб берилди.

«САЙҚАЛ ЖИЛОСИ» ФОЛЬКЛОР ДАСТАСИ

Вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси ҳамда халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг 12 йиллиги ва Обод маҳалла йилига бағишлаб фольклор дасталарининг вилоят кўрик-танловини ўтказди. Унда 14 та фольклор жамоаси иштирок этиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган маросим, урф-одат ва удумларимизни асл ҳолича намойиш этдилар. Танловда Зомин тумани маданият уйи қошидаги «Сайқал жилоси» фольклор жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, май ойида бўлиб ўтадиган «Бойсун баҳори» халкаро фестивалида қатнашиш имконига эга бўлди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

«Радий» лотинча «радиус» сўзидан олинган бўлиб, «нурли» деган маънони англатади. Илгари номаълум бўлган бу янги кимёвий элементга ном берилгандан сўнг ўзидан нур тарқатадиган элементлар радиоактив элементлар деб юритила бошланди.

«Гипноз» грекча сўз бўлиб, «уйқу» деган маънони билдиради. Гипнотик уйқу мия тормозланишининг бир кўринишидир. Бундай уйқу ҳаддан ташқари кўркиш, ваҳимага тушиш, ҳолдан тойиш, заҳарланиш ва бошқа ҳодиса-ўзгаришлар оқибати ўлароқ заифлашиб қолган мия қобиғидаги асаб хужайралари иш қобилиятини жуда тез тикланишига ёрдам беради.

ВЕЛОПОЙГАЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Фарғонада велопойга бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионатининг финал мусобақаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вилоятлари ва қўшни Қозоғистондан келган 170 дан ортиқ спортчи қатнашди.

25 километрли масофадаги велопойгада қозоғистонлик В.Вушанскийга тенг келадиган спортчи топилмади. 120 километрли масофа беллашувларида эса Сирдарё вилояти вакили Д.Иратов ғолиб бўлди. 130 километрли - энг олис масофада кечган баҳсларда яна қозоғистонликларнинг омади келди: А.Лялько биринчи бўлди.

Саккиз босқичда ўтказилган велопойга якунига кўра қозоғистонлик В.Вушанский чемпионатнинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Сирдарёлик Д.Иратов иккинчи, қозоғистонлик Ю.Юдо эса учинчи поғонани банд этди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Тошкент вилояти велопойгачилари, иккинчи ва учинчи ўринни Сирдарё ва Фарғона вилояти жамоалари эгаллади.

(ЎзА).

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.55

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17603 Буюртма Г— 284. 1 2 3 4 5 6